

**KO'SHIRME**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Автомобиль йўллари давлат  
қўмитаси раиси



А.А.Абдувалиев  
2017 йил

**Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш  
унитар корхонасининг  
УСТАВИ**

## I. Умумий қоидалар

1. Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда - "Қорхона") Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2776 - сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - "Муассис") ташкилий тузилмасидаги Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (кейинги ўринларда - "Бош бошқарма") таркибига киритилган.

2. Муассиснинг 2017 йил 29 мартдаги 09 - сонли буйруғига асосан "Қорақалпоғистон кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси" "Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси" этиб қайта номланган.

"Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси" "Қорақалпоғистон кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси"нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Корхонанинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси (қисқартмаси - Қорақалпоғистон КФУК);

рус тилида - Каракалпакское мостовое эксплуатационное унитарное предприятие (қисқартмаси - Каракалпакское МЭУП);

қорақалпоқ тилида - Қарақалпақстан көпирлерден пайдаланыў унитар қорханасы (қисқартмаси - Қарақалпақстан КПУК).

4. Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси Муассиснинг унитар корхонаси ҳисобланади.

5. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

6. Корхонани сақлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

7. Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциялари ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига, Бош бошқарманинг буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

8. Корхона ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Бош бошқармага бўйсунди.

9. Корхона уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

10. Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, думалок муҳрга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

11. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий, номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

12. Корхона бошқа корхоналарнинг Муассиси бўлишга ҳақли эмас.

13. Корхонанинг юридик манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиятош шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 38-уй.

## II. Корхонанинг мақсади ва асосий вазифалари

14. Корхонанинг асосий мақсади автомобиль йўллари ва уларнинг таркибидаги муҳандислик иншоотларини сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва қайта қуриш ишларини йўл соҳасидаги Муассиснинг ягона техника сиёсати асосида амалга ошириш ҳисобланади.

15. Қуйидагилар Корхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади;

шартномалар асосида автомобиль йўлларида кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва бошқа турдаги пудрат ишларини бажариш;

йўл қурилиш ишларига янги, замонавий техника ва технологиялар қўллаш орқали рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш;

темир-бетон, асфальт-бетон, товар-бетон ва норуда маҳсулотларини ҳамда металл қурилмалар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, муҳандислик-қидирув, тажриба-синов, сифат-синов лаборатория ва геодезия ишларини амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш;

автотранспорт, темир йўл транспорти ва бошқа транспорт воситалари ҳамда механизмлар билан хизматлар кўрсатиш;

ишлаб чиқаришга илғор тажриба, янги техника, технология ва самарали йўл-қурилиш материаллари, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни тадбиқ этиш;

ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчинини танлаш, иш ҳақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усулларини қўллаш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, ва ўз-ўзини бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

ўзаро пудрат шартномалари бўйича бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга иш бажариш, хизматлар кўрсатиш;

Корхона ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш; улгуржи, чакана савдо;

халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш;  
турли соҳаларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш;  
фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги  
қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

16. Лицензия ёки махсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари,  
ўрнатилган тартибда лицензия ёки махсус рухсат олингандан сўнг амалга  
оширилади.

### III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги  
ҳуқуқларга эга:

Корхона фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети,  
турларини белгилаш;

Корхона уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
ҳамда бекор қилиш;

Корхона директорини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва  
тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор  
қилиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш  
тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш  
балансларини тасдиқлаш;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш  
тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда  
фойдаланилмаётган мулкни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни  
тасарруф этиш;

Корхона соф фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини  
белгилаш;

Корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Корхона директорига  
нисбатан даъво тақдим этиш;

Муассис томонидан Корхонага берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан  
тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш.

18. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Корхона директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига  
мувофиқ директор билан меҳнат шартномасини тузиш;

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини,  
шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

### IV. Бош бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Бош бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг чорак ва йил якунлари  
бўйича ҳисоботларини қабул қилиш, уларнинг ҳаққонийлигини текшириш,  
таҳлил қилиш ишларини амалга ошириш;

Корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини ўрнатилган тартибда тафтиш қилиш;

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига алоқадор маълумот, ахборот ва ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилиш;

Корхона директорининг тавсияномасига асосан директор ўринбосари, бош муҳандис ва бош ҳисобчисини ўрнатилган тартибда лавозимга тайинлаш ва озод этиш;

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Корхона директориға нисбатан судларга даъво киритиш;

Корхонани йиллик бизнес режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Корхонанинг барча масалалари бўйича унинг фаолиятини яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳаза, таклиф ва аниқ чора-тадбирларни Муассисга кўриб чиқиш учун киритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

#### 20. Бош бошқарма қуйидагиларга мажбур:

Корхонани йиллик бизнес режаларини бажарилишини ташкил этиш, чорак ва йил яқунлари бўйича Корхона директори ва маъсул ходимларининг ҳисоботларини тинглашга;

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилишга;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этилган тақдирда, Бош бошқарма бошлиғи Корхона директори билан биргаликда жавобгар бўлишга;

Корхона томонидан молиявий-хўжалик фаолияти давомида амалдаги қонунчиликка қатъий равишда риоя қилинишини таъминлашга;

Корхона томонидан расмийлаштирилиши кўзда тутилган энг кам иш ҳақининг 1000 (бир минг) баробаридан ортиқ қийматдаги пудрат шартномаларини кўриб чиқиш, корхонанинг имкониятларини, шартнома шартларини таҳлил қилиш, улар бўйича Корхонага тегишли (расмий равишда розилик ёки рад) ҳулосасини беришга;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

### V. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика йўл хўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр - мулоҳазалар киритиш;

ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;

белгиланган режаларни ўз вақтида, сифатли ва амалдаги меъёр ва қоидалар талаблари асосида бажарилишини таъминлаш;

аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;  
меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган  
меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шакллари қўллаш;  
меҳнат жамоасининг ижтимоий ривож масалаларини ҳал қилиш;  
белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;  
Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва  
имтиёзлардан фойдаланиш.

22. Корхона директори Корхонанинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади  
ва Корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади,  
Корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг  
манфаатларини ифодалайди. Корхона номидан битимлар тузади ва уларни  
белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди, ходимларни ишга  
қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор  
қилади, буйруқлар чиқаради, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган  
тартибда ишончномалар беради.

23. Корхона директори корхонага юклатилган вазифа ва мажбуриятларга  
мувофиқ Корхона фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

24. Корхона бошқаруви ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг  
лавозим тариф разрядлари Корхона директори томонидан Муассис ва Бош  
бошқарма билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

25. Корхона директори Муассис ва Бош бошқарма олдига Корхона  
Уставида белгиланган тартибда Корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

26. Корхона директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини  
бажаришда Корхона манфаатларини қўзлаб ҳаракат қилади ҳамда бюджетга ва  
бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида  
тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга  
тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг  
қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган  
эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати  
(ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган мулк йўқолган  
тақдирда, Корхонага етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган  
тартибда жавоб беради.

27. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини,  
шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

пудрат шартномаларини бош бошқарма билан келишилган ҳолда имзолаш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда  
риоя қилиш.

## VI. Корхонанинг устав фонди

28. Корхонанинг устав фонди 6 551 783 000 (олти миллиард беш юз эллик  
бир миллион етти юз саксон уч минг) сўм миқдоридаги асосий воситалардан  
ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.

29. Корхонанинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Корхона Уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

30. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Корхона соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Корхона устав фондини Корхона соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Корхонанинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йилги бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилинади. Корхона устав фондини камайтириш Муассис қарорига асосан амалга оширилади.

31. Корхона мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда: Муассис томонидан корхонага бириктирилган (берилган) мулк; Корхонанинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

32. Корхона мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

33. Корхона мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Корхонанинг директори томонидан фақат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади: асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш; хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш; хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш; мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

## VII. Корхонанинг фойдаси

34. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхона ҳисобида қоладиган соф фойда унинг ихтиёрида қолади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июндаги 149-сонли қарори билан белгиланган зарурий фойда миқдори бундан мустасно).

35. Корхона соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

36. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розилиги билан захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

37. Муассис билан келишилган ҳолда Корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ҳамда ижтимоий мақсадларда фондлар ташкил этилиши мумкин.

38. Корхона Муассиснинг марказлашган жамғармасига мазкур Уставнинг 34-бандида белгиланган соф фойдаси ҳисобидан ўрнатилган тўловларни жамланган ҳолда тўланишини ташкил этиш мақсадида Бош бошқарма орқали амалга ошириши мумкин.

### **VIII. Корхонанинг жавобгарлиги**

39. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Корхона Муассис ва Бош бошқарманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис ва Бош бошқарма Корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

### **IX. Корхона фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш**

40. Корхонани Бош бошқарма тавсияномасига асосан Муассис томонидан тайинланган директор бошқаради. Корхонанинг директор ўринбосари, бош муҳандиси, бош ҳисобчиси Корхона директорининг тавсияномасига асосан Бош бошқарма томонидан тайинланади.

41. Корхона ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

42. Корхона ҳисобот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича Муассисга жамланган ҳолда топшириш учун Бош бошқармага ўрнатилган тартибда баланс ҳисоботларини (молия, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисоботлар) топширади.

43. Корхона фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис, Бош бошқарма ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

### **X. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш**


44. Корхона Муассис қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

### **XI. Якуний қоидалар**

45. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

46. Ушбу Устав қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга киради.

Корхона директори



5.06.2017

NOTARIUS

MEN WOYIS QALAY O'GAYE BILAN

ARZIMBETOVA ZU

NOTARIUS BIRI'SLIG'IN TASTITULATMAN, WONDA WOYIS  
TAN, SIZILG'AM SO'ZLER, BASQADA WO'ZGERTIWLER HAN  
TOSHEMLER JOQ.

814-4330  
23914


-sani' menen reestge dizim;  
baji' pul wo'ndirildi.  
texnikali'g xizmeti ushi'n wola  
notarius



USABA Otkeriliy tigiiliy 3 bett  
betleri di  
barat, gorbli mep  
menen tастыйыклады  
Notarius



Handwritten signatures and marks at the bottom of the page.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"QORAQALPOGISTON KO'PRIKLARDAN FOYDALANISH" Unitar korxona

(Yuridik shaxsning -- tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QORAQALPOGISTON KO'PRIKLARDAN FOYDALANISH" UK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yhatdan o'tqazish ma'lumotlarini o'zgartirish

10.06.2014

2507

ro'yhat raqamli yozuv kiritilganligi tas

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201778125

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Unitar korxona

Joylashgan joyi:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xo'jayli tumani, Taxiotosh, SH.RASHI  
38,


Guvohnoma

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xo'jayli tumani, YAGONA  
DARCHA MARKAZI

tomoni  
berilga

(Ro'yxaldan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida  
ma'lumotnoma

05.05.2017 r

| O'zgarishdan oldin                                                                                                                                                     | O'zgarishdan keyin                                                                              |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi<br>201778125, KORAKALPOGISTON KUPRIK XUJALIGINI SAKLASHGA<br>IXTISOSLASHTIRILGAN TA'MIRLASH FOYDALANISH KORXONASI | Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi<br>QORAQALPOGISTON KO'PRIKLARDAN FOYDALANISH |
| 2 THSh<br>Unitar korxona                                                                                                                                               | THSh<br>O'zgarishlarsiz                                                                         |
| 3 Faoliyat yuritish manzili<br>Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xo'jayli tumani, Taxiotosh, SH.RASHIDOV, 38                                                              | Faoliyat yuritish manzili<br>O'zgarishlarsiz                                                    |
| 4 IFUT                                                                                                                                                                 | IFUT<br>Ko'priklar va tunnellar qurish                                                          |

## O'zgarishdan oldingi Tasischilar

| Ta'sischi turi | Ta'sischi STIRi | F.I.Sh. / Nomi | Miqdori          | Ulushi  |
|----------------|-----------------|----------------|------------------|---------|
| Yuridik shaxs  |                 | O'ZAVTOYUL DAK | 3 028 513 000.00 | 100.0 % |

## O'zgarishdan keyingi Tasischilar

| Ta'sischi turi | Ta'sischi STIRi | F.I.Sh. / Nomi                                                                   | Miqdori                | Ulushi         |
|----------------|-----------------|----------------------------------------------------------------------------------|------------------------|----------------|
| Yuridik shaxs  | 200541254       | QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI<br>AVTOMOBIL YULLARI XUDUDIIY BOSH<br>BOS HQARMASI | 6 551<br>783<br>000.00 | 100.0<br>%<br> |

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xo'jayli tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI

Imzo / YEREJEPOV ALLAMBERGEN BAXTIYAROVICH

*Sheep*